

ОИЛА ВА ЖАСМИЯТ

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ВА

Апрел

17'92

• УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• БАХОСИ 2 СҮМ •

ҚАДР

У киши қишлоғимиздан чиққан бириңиң журналист еди. Үзоқ урушдан қайтиб келгач, тұман газетасыда ишлаган. Камғап, камсукум, түргісүз, шу боис күп азоблар тортган, ҳалол, имонлық киши еди. Түсатдан вафот еди. Бирорлар буны у кишининг урушда олган жароҳатлари билан, бирорлар оиласидаги қандайдыр нотұксислар билан болғады. Күнгілімда ният туғилды: устоз ҳақида бир әнлиқкінна бұлса-да, мақала ёссым. Рұхини шод қылсым... Ана шундай хәйларда юрган кезларым уйимга у кишининг үлгі кирип келди.

— Отамни би-ир мақтаб ёссанғ, жүра, — деди у. — Номини мактабға құйылдырылғынмыз, нима сарф-харажама бұлса тайёрмады.

У чүнтагимга құй юборди.

— Кейин, — дедім. Аввалин ёзай. Езолмады. Құлым бормади. Бу орада мактабға янғы ном беріш масасы мұхқама килингенди. Иккінчи номзды — илғор тракторчининг номы құйылады.

— Нега бундай қылдингизлар? — деб сүрдім адабиёт мұаллымидан. — Бу ҳүрматта «устоз» — журналист күп проқтойынан да.

— Гапнің түрі, асли ниятимиз ҳам шундай еди. Лекін биз, мұаллымдар ҳам иккі яшінде арғы бир қүннің гүштідан қимматрон турамызы дейман-да.

Ж. ЖУМАЕВ
Самарқанд вилаеті.



НИГОХ

Абдул ФАНИ ЖУМА ВА
Мұхаммад АМИН
суратлары

НИКОХ ВА ОИЛА

VIII аср бошларыда, яғни ислом вұжуда келиши билан никох ва оила масалаларига доир қонун-қоңыдалар тартибға солинди. Оилада әрнинг ролі оширилди. Бу билан хотиннинг оиласында ақамият пасаймайды. Балқи, у мұхымы — болалар тәълим-тарбиясы билан шүгүлланадыған бўлди. Куръони карим ва ҳадисларда оталик ҳуқуқи, оналық вазифаси, фарзаңдие бурчы, әрлик ва хотинлик масыулиятлари аниқ белгилаб қўйилди. Айнұса, «Куръон»нинг «Нисон» сурасыда хотин қызларимизнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг ахлоқ-одоби, бурчы шаһнама ҳамда шариат томонидан белгиланған мусулмон дүнесига хос бўлган ҳаёт тарзи шун-

дай аниқ кўрсатилғанки, бу ғоя даврлар, әралар, жамиятлар алмашишига қарамай инсонийлик ахлоқи учун янги-янги кашфиёт бўлиб келмоқда.

Етмиш йилдан ошиқ вакт мобайнида шўро давлати мусулмон мамлакати ҳисобланмиси ҳозирги Узбекистон ҳудудида яшовчи мўмин мусулмонларнинг никох ва оила ишига аралашшиб, уни остин-устун қилиб юборди, оиласиң ўз илдизидан буткул ажратиб, шўро оиласини таркиб топтириди.

Әнг ёмона — ахлоқсизлик, фохиша-бозлик, зино, иккисюзламачилик каби иллалар айб ҳисобланмай қолди. Никохсиз тузилган оиласалар пайдо бўла бошлади. Улардан ҳаром түғил-

ган болалар кўпайди. Ажратишлар сони оши. Ҳаётимизга ўн фарзанды аёлдан-да күпроқ ҳақ-ҳуқуқка эга бўлган «матъя одиночка» — ёлғиз аёллар кириб келди.

Гувоҳ бўлғанимиздек, коммунистик жамият бу ҳаром йўл билан үзоққа боролмади. У ўзини ўзи лаҳадга кўмди. Янги давр бошланди. Мустамлака юртлар мустақил давлатларга айланди. Үзлігімизга қайтишга имкон туғилди. Бу энди никохни-да четлаб ўтмаслиги керак.

Мастамлакачилик замондан қолган баъзи бир анъаналарга бардам бериш керак. Ҳусусан, давлат никох ва оила ишларига ҳамон аралашмокда. Бу йўлда миллион сўмлаб маблаглар сорувилмокда.

Мустақил Узбекистон бундай эскиринган маросимларни шарқона қилиб,

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Юсуф ЗИЁД:

**ВАРРАКЛАР
МАЛИКАСИ**

**Маҳмуд
АБУЛФАЙЗ:
СУЮНЧИ ҲАМ
ҚИММАТЛАШДИ**

**Низом КОМИЛ:
УМИДАНИНГ
ТУҒИЛГАН КУНИ**

қайтадан ташкил этса, айни муддао бўлур эди. Хўп, бунинг қандай қулагилик томонлари бор?

Биринчидан, никохни давлат органи — ЗАГС ҳисобга олмайди.

Иккинчидан, никох ғафат диний томондан мақсқидда қайса қилинбади, гувоҳнома берилса. Аёл ҳам, эр ҳам социал мұхофаза қилинмаса. Ҳозир әрлик аёлдан кўра эсриз аёл яхшироқ, «хушчақчақроқ» яшаттаги сир эмас.

Пайғамбаримиз ўзларининг ҳадисларидан шундай деган эканлар: «Никох ила турмуш қуриб, кўпайинглар. Зоро, мен қиёмат куни бошقا умматлар олдида сизларнинг кўплигингиз билан фархланаман!»

**Анвар ХИДИР,
Низомий-номидаги Тошкент
дорилмулларининг
үқитувчиси.**

Етти кун

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Янгийўл туман ҳокими А. Юсупов янги лавозимдаги фаолиятни хайрли ишдан бошлади. Тумандаги «Янгийўл» давлат кичик корхона у кишининг фармоиши билан вилоят болалар жамғараси тасарруфига берилди. Энди корхона даромадининг мъйлум қисми жамғарма ҳисобига ўтказилиб турди.

САХИЙ ҲОКИМ

Ҳокимият газасидан болалар ўйига йигирма минг сўм тұхфа қылди. 20-сон Хива болалар ўйинин тағин йигирма нафар тарбияланувчиси спорт кийим-кечаклари олиши. Махаллий ҳокимиятнинг иноми бу даргоҳда тарбияланётган иккى юз нафардан зиёд етимларга катта маад бўлди. Болалар Хива шахар ҳокими, жумҳурят халқ ноиби Б. Нурматовга раҳматлар айтишмоқда.

ОЗГИНА ҚОЛДИ

Амударё туманиндағи «Ленинзим» жамоа ҳұжалиги пудратчиси Турдибой Сарсенбоев аввал ўз устига, сўнг шу ҳұжалик бошқарувчи раиси Сабир Матёкубов устига бензин кўйиб: «Бу ишини йигитнинг марди қыллади, ўлсан сенинг билан бирга ўлман», деб ўзига ҳам, раисга ҳам ўт қўйишга чоғланди. Кишиларнинг ҳүшерлиги туфайли режа барбод бўлди, деб хабар беради мухбиримиз Р. Ҳасан.

«МОВАРАУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ»

«Совет шарқи мусулмонлари» жамаласи шу ном билан нашр этила бошлади. Мажалла жамоасининг нияти унинг мундарижасини янгилаб, номига мос этиши. Мажаланинг 20 минг нусхада чоп тутлган биринчи сони, нархи 2 сўм 50 тийин бўлса-да, бир кун ичада сотилиб бўлди. Қўшимча яна 5 минг нусха босмадан чиқарилди — у ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди.

ТОШКЕНТДА ҲУШИДАН КЕТДИ

Миршаблар қуршовида фильмни суратга олиш давом этар, четроқда эса 15 ёшлардаги бир қиз узвос солиб йигларди. Қизча «ёнгинасидаги» севимли актёри билан бир мартагина юзмаси ўз бўлишга умид йўқлигидан шу кўйга тушган экан. уни машҳур ҳинд актёри Митхун Чакраборти билан таниширишганида, бундан таъсириланиб, ҳушидан кетиб йиқилди.

Муҳлиса белоруслик бўлиб, севимли актёрини кўриш учун куйлагини сотиб, йўлкира қилиб келган экан.

ҲОКИМНИНГ**САРТАРОШИ**

Уста Салим Насруллаевнинг дўкони шаҳарнинг Эски Анҳор қисмидаги, шундоқ катта марказий кўча ёқасида жойлашган. Мўъжазгина сартарошона доимо мижозлар билан гавжум. Соч-соқол олдириш асли бир баҳона, кўпчилик бекор вақтини шу ерда ўтказади, дам олади. Турли ҳангомалар дилни яйратади.

ЧАЕН ҚЎРҚИТДИ

Қатор насрый асарлар муаллифи, моҳир таржимон Набижон Бойкин ўн беш йилдирки, Тошкентда ижарада яшамоқда. У бир йил мукаддам Муҳаммад Иброҳимбек қўрбоши тарихини муфассал ортганиш учун Тожикистонга — лақайлар юртга хизмат сафарига (ўз ҳисобидан) жунаб кетганди. Яқинда бир қоп ҳужжат билан қайтиб келди. Йўқлаш бордик. Суҳубатимиз кизиётганди. Тор ҳонада пала-партиш таҳланган китоблар орасидан чиқкан... қўрқинчли чайвон мөхмандорчилликнинг белига тедди.

Мусоғорингиз куни курсин, деб ёзди. Р. Ҳасан.

(Кейинги сонлардан бирида Н. Бойки жаноблари билан мухбиримизнинг сұхбатини ўқыйсиз).

— Уста ака, қимматчилик, таҷчилик замонида қандай яшаяпсиз!

— Эл қатори. Ота-буваларимиз замон оғирлашганда ҳам нолини ёмон кўрганлар, сабр-тоқат қылганлар. Дўконни ижарага олганмиз. Барча анжомларни ўзимиз сотиб оламиз. Мижозга бунча пул беринг, демаймиз, химмати.

— Рўзгорингиз каттами!

— Уч ўғил, тўрт қизим бор. Ҳаммаси оиласи бўлишган. Кичик ўғлим Солижон билан яшаймиз. Фарзандларимизни яхши тарбияладик, уларнинг топиш-тутишлари ҳам ёмон эмас.

— Невараларингиздан сартарош чиқишини истайсизми?

— Мен хоҳлаган билан улар истамаса бекор-да, — уста ака кулди.

— Ҳаётим давомида кўп шогирд тайёрладим. Баъзи бир шогирдларим чидамай

ташлаб кетишиди. Олдинлари усталар шогирдига анжомлар олиб бериди, он фотиҳа ҳам тиашар, уларнинг ишида барака бўларди. Ҳозир бундай нарсалар йўқолиб бораётти. Устозсиз ишлётганлар кўпайди. Устозсиз шогирдинг устози шайтон бўлар, деган машайхлар. Бир воқеани айтсан. Шаҳри мизда бир уста бор эди. Яқинда кўзлари кўр бўлиб вафот этди. У устозининг хотинига ўлланган экан...

— Ота-буваларингиз ҳам шу касбдан тириклик қилишгани!

— Йўқ. Она томондан бувам Абдулмажон Бухоро муфтисининг ёрдамчиси бўлганлар. Ота қавмдан бувам Шарофбай шаҳарда мадраса курдирган. Ҳозир бу мадраса таъмирланбди, талабалар таҳсил олишяти.

— Қадимда ҳар бир ҳукмдорининг маҳсус сартароши бўлган. Сиз дозирги «каттапарининг ҳизматиниң қылғанмисиз?

— Катталаримиз уста сартарошларни аҳён-аҳёнда ҷаҳириб туришади. Мен бир пайтлари ҳозирги вилоят ҳокимининг соч-соқолини олардим. Тўғри, унда кўчма колонна бошлини эди.

Норкул ТИЛОВ
Қарши шаҳри

«ОТАМДАН ҚОЛГАН**ЯГОНА ЭСДАЛИК»**

Дмитрий Аи отаси Михаил ҳаёт билан видолашгандага роппа-роса беш-ёшли бола эди. Онасининг «ҳақиқиллаган» овозини эштиб, ҳали отасизлик азобларини тасаввур қила олмаса-да, гўдакларга хос нолиш кигланг рост.

Мана, у бугун катта йигит. Отасининг хотираисига атаб тузилган «Пахтакор — 79» жамоасининг ярим химоячиси.

Назаримда, уни кўпчилик таниши шартдек, «Собик «Пахтакор»чининг ўғли майдонга тушса-ю, мухлислар «Анави ким экан?» деб ҳайрон бўлишса, яхши бўлмас», — деган ўй билан Дима билан бирорсун сұхбатлашиша қарор қилдим:

— Ёшим ўн саккизда, — дейди у. — Түғилган жойим — Москва шаҳри. Ҳозир футбол ўйнаш билан бирга Тошкент Давлат жисмоний тарбия олийгоҳининг 1-курсига ўқийман.

— Оилада неча кишилизлар!

— Онам, синглим ва мен — уччаламиз яшаймиз.

— Отангни эслайсанми! Ундан сенга нима эсладил қолган!

— Эслайман. Бироқ, футбол ўйнаганини зўр-базур хотирлаиман. Унинг менга қолдирган ягона эсладили — футбол, албатта.

— Мана, «Пахтакор — 79» командаси сафида тўрт учрашув ўтказдинг. Мухлислар сенга қандай мумалада бўлиши мөнда.

— Аҳён-аҳёнда «қаранглар анави Аннинг ўғли-ку» деган гапларни эшишиб қоламан. Коносондай бўлган учрашуда умримда биринчи марта менга гул тақдим этиши.

— Уларга сен отангни ўйинларини қайтара опласанми!

— Онам ҳам, синглим ҳам фақат шунни истайди. Майдонга тушга билдим, чемпион бўлиш ҳар бир футbolchining орзусига айланаб қолар экан. Отам ва унинг ўртоқлари қанчалик армонда кетганини энди-энди ҳис қилаётпам.

— Жаҳон футбол юлдузларидан кимларга ҳавас қиласан!

— Юлдузим ҳам, жаҳоним ҳам — онам, отам!

Михаил Аи...

У «Пахтакор»га 1971 йилда қабул қилинганди. Жамоага 3 йилдан ортиқ сардорлик қилди. Асосий рўйхатда жами 139 учрашув ўтказиб, рагиблар дарвазасини 30 марта ишғол этди. Қисқа вақт ичада спорт мутахассисларининг назарига тушшиб, собик СССР ўсмилари ҳамда Олимпиада терма жамоалари сафидан жой олди. Оврупа чемпионати учрашувларидаги маҳорат кўрсатди. 1974-1978 йилларда СССРнинг 33 мөхир футболчиги рўйхатига киритилди. Кейинчалик СССР биринчи терма жамоасига қабул қилинди. Начора, умри қисқа экан, 1979 йилнинг 11 августида Михаилни ўлим ўз домига тортди. Бироқ, унинг руҳи футбол майдонларида кезади.

Нормурод МУСОМОВ

(Суратчи муваллиф).

Суратда: Д. Аи.
[Кейинги сондай марҳум футbolchimiz ОЛИМ АШУРОВнинг ўғли АЛИШЕР билан танишасиз.]

ДАРДИННИ МЕНГА БЕРГИН»

Үйкиман, эшитаман: фарзандидан кечганлар; фарзандини «Болалар уйнига топширганлар; фарзандлари тирин ва соглом, аммо ўзлари «Кариялар уйнидаги падар ва волидалар.

Тарихни варақтайман. Отапар билан фарзандлар ўртасидаги муносабат, бурч, бурчининг адо этилиши ҳақида йайланман. Ҳар сафар амин бўламанки, оталаримиз фарзандлар учун ҳар қандай бало-қазога қалқон бўлиша олган.

... Үэли Ҳумоюннинг огир бетоблигидан қийналган Бобур уни олиб келишларини буюрди. Табибларнинг қарашлари фойда бермаётганинни кўрган Бобур ўғли учун ўз жонини қурбон қилишга аҳд қиласди. Ҳали 49 ёшга тўлмаган, шуҳрати дунёга

кетган, ҳалқ орасида «Гозий», яъни «Енгилмас» деган юксак увон олган, тоғида дунёнинг энг қимматбахо «Кўхи Нури» олмоси ярақлаб турган шоҳ. Бобур ўз жонини қурбон қилишга аҳд қиласди. Негаки, Ҳумоюн мизоронинг ахволи дақиқа сайин ёмонлашаётган эди. Бу ҳақда Бобурнинг қизи Гулбадонбегим шундай ёзди: «Саройнинг неча уламойи-киромлари подшо ҳазратларини бу қароридан қайтишга ундиндилар. Лекин отам кўнмадилар. Нечаки бир оқилю дононлар бунинг ўрнига мўл-кўл олтин-кумуш садака этишини таклиф қилдилар. Беклардан бирни дунёда энг қимматбахо гавҳар — Кўхи Нури тасаддуқ этишини маслаҳат берди. Бироқ шавкатли отам рози бўлмадилар. «Дунёда

ўғлимга тенг келадиган гавҳар бор-му?» Шундай деб сўзларида қаттиқ туриб олдилар. Кўнгилларни ул ҳазратни олий қурбонликка ундар эди. Йиглаб, кўши тўкәтган сарой ходимлари орасидан ўтиб, Мұхаммад Ҳумоюн ётган хонага кирдилар. Акам тўшакда оғир иситмада куйиб, ҳолдан тойиб ётари. Отам унинг бошига бориб, кўлларини дуога очдилар. Сўнг вазмин қадам ташлаб, унинг атрофидан уч карра айландилар. Такор-такрор дедиларким: «Е, Оллоҳи карим, унинг дардини менга бергин!.. Унга келган бало менга урсин!..» Сўнг ҳазратнинг йиги араплаш шу сўзлари кенг кўлламоқ нажотли. Йигитларни мард, қизларни иболи қилиб тарбияламоқ зарур.

«Болалар уйни», «Кариялар уйни» қўркинчли тарзда ортиб бормоқда. Нима қилмок керак? Тарих дейдик: «Оила тарбиясини тикиламоқ, аждодлар тарбия усусларини кенг кўлламоқ нажотли. Йигитларни мард, қизларни иболи қилиб тарбияламоқ зарур!..

Иззат БЕГАШЕВ,
Навоий вилояти, Нурота
тумани 45-урта мактабнинг
тарих ўқитувчиси

7. ДУШМАНЛИФ ҚИЛСАНГ, ОҚИБАТИДАН ПУШАЙМОН БЎЛМА

Эй тентак ўғил, неки оғат етса, Аллоҳдин сира гина-кудурат этма. Динга, имонга пўтур етказадиган уч оғат бордир. Алардан бирни беамал олим...

Куида ҳикоя қилинуви ривоятдаги воқеа асло бошингга тушмасин. Иншо-оллоҳ!

Ривоят:

Одамларнинг мушкулни эътиборли ва оқим маслаҳатлари билан осон қилғувчи фақиҳнинг ўғли бўлиб, бу гумроҳ фарзанд отасининг ҳурмати-иззати орқасидан машҳур мадрасаларда таълим олибди. Маккан мукаррамани ҳам этиши баҳтига мусъясар бўлди. Охир-оқибат ўз юртига қайтиб, шаҳри азимдаги эл оғизга тушган, илмга ташна кишилар доим шу ерда билим олмоқча ишқисор бўлган мадрасага мударрис этиб таъйинланди.

Шул мадрасада камсўз, билими пухта олим бўлиб, камтардиги ва ҳамимлиги туфайли анчайин эътибордан четда экан. Янги мударриснинг илк диққати ана шу олимда бўлди. Унинг босгани ҳар бир изини зидан кузатишга изон берибди. Чунки у «инدامас, камсукумдан кўрк», деган нақлга қаттиқ амал қиласарикан.

Бунга бошقا бир сабаб ҳам асос бўлди.

Мадрасада уламолари билан машварат ўтказган шайх-ул раиснинг барча саволларига фақат ўша йигит тўла ва асосли жавоблар қайтариди. Унинг ҳурматини қозониди. У шогирдига шундай тилак билдирибди: «Мехнатинг, машақатнинг орқасидан энди роҳатга етишибсан. Аллоҳ-таоло қаноатли бандаларига берадиган энг қимматбахо гавҳарга эга бўлдинг. Энди ани йўқотсанг, ўзлигими йўқотдим, дея бер».

Орадан бир неча кун ўтказиб, бир ўхиж олим нонушта қилиш, бир пиёла чой устидаги сухбат куриш, шу баҳона шайх-ул раис айтган гавҳарнинг қаерда сақланишини билиш мақсадидаги дўстининг ҳуқрасига нознеъмат билан ташриф буюриди. Гап орасида ҳийла билан унинг асрорини билиб олишга кўп уриниди. Аммо ўйлаган режаси саробга айланаб, хуноби юз чандон ошиб, изига қайтишга мажбур бўлди. Бу амални ўзига садоқатли бўлган толиблар кўмагида рўёбга чиқаришга уриниб куриби.

Бирор ҳийла ишлатиб, ниятига эришимас, бошча чора йўқлигини англабди.

Одина куни, кўпчилик толиблар масжидларга кетган вақтларида, ёлгиз ўша олимнинг қолганини кўриби. Ўйлаган ўйини амалга ошириш учун энг қуляй шароит келганидан хурсанд бўлиди.

Ҳамма қайтганда толибларни йигиб дебди:

— Мадрасамиз учун, ўз шаънимиз учун нолойик иш ўтди.

Мадраса аҳли ажабланиб:

— Не гап бўлди? — деб сўрабди-лар.

— Бугун тонгда отам зарур ҳарид учун кўп миқдорда пул берган эдилар.

— Ҳеч кимни ҳижолатга кўймайлик. Яхшиси тинтув ўтказайлик, — дебди толиблардан бири.

Бу фикр кўпчиликка маъқул бўлиди.

Мударрис бу шароитда ҳам ҳеч нарсага эриша олмабди. Охири бу ишга қози араплашибди.

Кўнгилда сира кири йўқ йигит гу-

Абу Лайс ас-САМАРҚАНДИЙ

ТАНБЕХ

Намоздан қайтиб, пулни қўйган ерим-ни қарасам, йўқ,— мударрис шундай деб, тоқчадаги хумга ишора қилибди.

Толиблар орасида рўй берган ҳижо-латликинг баёни барчага маълум.

Тайракроқ бир йигит:

— Барчамиз намозда бўлсак... Ким кўлган бўлиши мумкин?

— Камсукум олимимиз бетоблиги сабаб шу ерда қолган эдилар, — дебди мударрис.

монли саволларга тўғри ва тасдикли жавоблари билан қозининг ҳам эътиборни қозониди.

Шунда мударрис:

— Майли, қилган ўғирлиги учун жазосини яратган этам берсин. Ўғирлаган камомаддингиз эвазига ҳуқрасида сақланётган гавҳарини берсин. Агар пулни бошса бирор ўғирлаган бўлса, ани ўзига қайтириб бергум.

Олим йигит ажабланибди.



— Қандай гавҳар!

— Наҳот ўтган ҳафта шайх-ул раис жаноблари айтган сирдан бизни вожиб деб ўйламасан.

Олим йигит яна ҳайратланибди:

— Ажаб, қайси гап экан?

Мударрис қозига юзланнибди:

— Тақсир, бу киши ҳуқраларида қимматбахо гавҳар товшада сақлайдилар.

Аларнинг ўзлиги ўша тошда.

Олим йигит мийинида кулиб кўйибди:

— Эй ошна, гап бу ёқда демайсанми? Нима қиласан ўғирланмаган пулнинг билан қозининг бошини котириб. Гавҳар тошнинг қандайлигини ва қаерда сақланчанини шайх-ул раис ҳазратларни биладилар...

Мударрис йигит қозининг ҳузуридан юзи шувут бўллиб чайнибди ва шайх-ул раис жанобларининг ҳузурига борибди:

— Ҳарат, сизга кўнгил қўйган, сиз унга кўнгил қўйган шоғирдингиз менинг пулларини ўғирлади.

— Гапининг исботландими?

— Ҳа, ҳузурингизга тўғри қозининг ҳузуридан келяпман.

— Мақсад не? Нимага келишинглар?

— Шоғирдингиз пуллар топилгунча, камомадига гавҳар тошни бермоқга рози бўлди.

Шайх-ул раис ниҳоятда ажабланибди:

— Ўз меҳнини ва билими билан ноҳар кун кечираётган йигитда гавҳар тош не қиласин!?

— Ахир ўзингиз бир неча кун илари шу ҳақда гапирдингиз-ку?

Шайх-ул раис ўзини базур босишига ҳаракат қилибди:

— Азиз фарзандим, отангнинг ҳурмати ва эътиборини ўзинингнинг тўқим сифат фикрларинг билан булғама.

Мударрис тушунмабди:

— Ахир...

— Йўқ, — дебди шайх-ул раис, Фикримни бўлиб, тапни чалгитмал! Ўша машваратда менинг йигитиниң қалбидаги, иродаси ва иқтидорида сақланётган гавҳар тош хусусида сўзлаган эдим... Сен эса бу нарсага жиддий қарасан. Ажаб... Агар дину муслимга фақат бойлик тўплаша, ўзгаларга зуғум қилиш учун хизмат қилаётган бўлсанг, айн ўзингда.


Охир-оқибат мударрислик вазифасига олим йигит тайинланиди. Илму маърифатни амалда сақламасан, унда мусулмонларга сендан не наф!

**Нашрга тайёрловчи
Музаффар МИРЗО**
(Давоми. Боши ўтган сонларда)

АЛ-ГОФИЛИН

17(35) «Оила ва жамият»

Е ЕКМАЙСИЗ



БУЗОҚНИНГ ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Суратчи: Х. МАМАТҚУЛОВ

Дераза

«ХОНДО» ҲАМ МИНАМИЗ

Қозғистонлик қардошлар Ўрусиядан чиқаётган енгил машиналарнинг кўпайинини кутиб ўтирасдан, ўзларининни ишлаб чиқаришга киришидилар. Уст-Каменогорскда пайдо бўлаётган бу ажойиб заводнинг теппасида Япониянинг оламга машҳур машинасозлари туришибди. 1994 йилда ишга тушажак заводнинг илк маҳсулоти «Хондо» деб аталади. Омон бўлсанк, «Лада»сига қўшиб, «Хондо» синиям минамиз.

ПРЕЗИДЕНТИНГ АЕЛИ ҲАЙРОН

«Хозир ҳеч кимга осон эмас», деди Раиса Горбачева «НГ» мухбира. У эри М. Горбачев истеъфога чиққач, қилинаётган сарф-харажатларни кўриб, лол қолганлигини тан олди. Раиса хонимнинг айтишича, Горбачев оиласи ҳам биргина озиқовватнинг ўзига ҳар ойда камидаги тўрт минг сўм сарфлайди. «Энди қандай кун кўрамиз?» — деди у.

ФЕРМЕР ҲАРБИЙГА ЧАҚИРЯПТИ

Омслик фермер А. Зуев вилоят рўзномаси орқали ёшларга муро-

жаат қилиб, кимки унинг ўғли ўрнига ҳарбийга борса, иккى йил мобайнида минг сўмдан ойма-ой хизмат ҳаки тўлаб туршини айтди. Виляятдаги ҳарбийлар ташаббусга ҳалигача фикр билдиришгани йўқ.

БЕЛОРОС ФОЖИАСИ

Бу мамлакатда Чернобил атом электро стансиясининг портлаши билан боғлиқ маҳфий ҳужоқатлар очилди. Йил бошида саратонга (рак) чалинган 1700 бемор (шуладан 55 нафари болалар) ҳисобда турган бўлса, шу кечакундуза уларнинг сафига яна 299 иши (52 нафари болалар) кўшилган. Чернобил фалокатигача бўлган 20 йил мобайнида Белорусда саратонга чалинган бола учраган.

БОБОНИНГ «БОЙЛИГИ»

Днепропетровслик 22 ёшли бир шавоз ўзининг кекса бобосини тиш дўхтирига етаклаб келди ва унинг оғзидағи тилла қопламаларни суғутириди. Невара қопламаларни сотиб, ўйланмоқчи экан.

Ўзингизни синааб кўринг

1. Қайтадан туғилиш ва ҳәтингизни бошқатдан бошлани истармидингиз? (Ҳа — 4 балл, йўқ — 16).
2. Севган машғулотнинг борми? (Ҳа — 18 балл, йўқ — 5).

3. Агар ишингиз юришмаса, «бу ҳамманинг бошда бор», деб ўзингизни овута оласизми? (Ҳа — 6 балл, йўқ — 12).

4. Кимдир сизга ҳасад қилаётганини билсангиз, хурсанд бўлармидингиз? (Ҳа — 16 балл, йўқ — 2).

5. Кимдир сизни хунук ва зерикарли одам деб ҳисобласа, сизга алам қиладими? (Ҳа — 3 балл, йўқ — 12).

6. Сизни қийнаган кўнгилхираликлар танишларингизнинг ҳам бошига тушса, қониқиши ҳосил қиласизми? (Ҳа — 18 балл, йўқ — 5).

7. Кимдир бирор ишни сиздан яхшироқ қиласа, бундан азобланасизми? (Ҳа — 2 балл, йўқ — 16).

8. Сизга лотореядан ёки пул замаларидан тез-тез катта ютуқлар чиқиб турадими? (Ҳа — 4 балл, йўқ — 12).

9. Сизнинг танишларингиз ёки қариндошларингиз қимматбахо буюмлар олса, юрагингиз ҳапқириб кетадими? (Ҳа — 1 балл, йўқ — 12).

10. Кўпчилик олдида гапиришини кўрасизми? (Ҳа — 16 балл, йўқ — 3).

Энди балларни ҳисобланг:

120 баллдан юқори. Сиз ўзингиздан беҳад розисиз. Аммо ўйлаб кўринг, балки ўзингизга таниқид муносабатда бўлмайтгандинсиз! Бу ҳақда дўстларнинг ёки қариндошларнингиздан билиб олишга ҳаракат қилинг.

60 дан 120 баллгача. Ўзингиздан анча розисиз. Бироқ сизни ўзига ниҳоятда ишонган одамлар тоифасига астойдил ишонинг.

Х. АЛИМОВ
тайёрлади

Хат

ГАЗЕТИНГГА ЭЗИЛМАЙМАН

«Оила ва жамият»нинг 13-сонида суратлар чиройли чиқиби, аммо ҳажми жуда катта. Жойни тежанглар. «Ноибларнинг маши» мени қизиқтирамайди. Камбағалларнинг машини ёзинглар.

Т. Тўлаганованинг сұхбати — яхши, бироқ қиска. «Кавласанглар» яна кўп қизиқ гаплар чиқарди бу аёлдан. «Эрларнинг худбинлиги» таржима мақолами? Ургулдим, оврупалик руҳиятшуносларингдан. «Даканглар жангি». Ҳайвон уруштириш Қуръонда таъкиқланган-ку?

«Пошонинг жазманинг ёшларни бузади. Яна шундай ма-

қола берсанг, газетингга ёзилмайман, мұхаррир ўғлим!

[Имзосиз хатдан]

1 МАЙДА

Раҳматлик рафиқам Мұхібахон 1 Майда 50 ёшга тўлар эди. 1986 йил бевақт вафот этди. Уч ўғил, уч қизни вояя етказиб, уларнинг ҳузурини кўролмай, мени қон йиғлатиб кетди. Хона-донимиз файзсиз бўлиб қолди, аммо уйдаги ҳар бир нарса уни эслатади. Орзуларимиз кўп эди. Мана олти йилдирки, рафиқам туғилган кун — 1 Майни қабристонда ўтказаман. Дуолар ўқийман. Уни асрар олмаганим учун ўқинаман.

Менинг Мұхібахон, болалариминнинг онаси бу йил 50 га тўлар эди. Ҳаммамиз уни кувониб-кувониб табриклар эдик.

Болта ЭРГАШЕВ
Буҳоро шаҳри

СЕНДАН ХУШБҮЙ АНҚИБ ТУРСИН

Бир она қизига васият қилиб айтган экан: «Эринг шод пайтида фамгин бўлиб қовогингин солма, эринг хафа пайтида ўзингни хурсанд ҳарсанд турасатма.

Сенда ҳеч қандай ножъя ва ёмон деб билинган нарсалар кўринмасин, сендан доимо энг яхши хушбўйлик анқиб турсин. Эринг сирини фош этма, йўқса унинг назаридан қолсан. Сен доимо сув, ё, упа ва сурма билан бўлглини, сув эса энг яхши хушбўй нарсалардан саналади.

Бир она қизига айтган экан: «Бадан-терларингни тез-тез артиб тургун, эрингга бўйсин, сувни кўпроқ ишлат, сув билан ўзингдаги ёмон ҳидларни ҳархашадан.

Бошқа бир аёл қизига насиҳат қилиб айтди: «Пардангни тушириб юр, эрингни иззат қил, жанжал ва ҳархашадан ўзингни сақла, сув билан ўзингни покиза қилиб юр».

Бошқа бир аёл деган: «Эринг сўзини иккита қилма, бу билан ҳафасаласини пир қиласан. Унга ҳадеб ҳархаша килаверма, ўзингдан эрни соутасан. У билан муносабатда бўлганда ҳар қачон ҳам самимий ва садоқатли бўл, ҳар доим сув билан ўзингни тозалаб юр».

Чиндан ҳам аслида омади гап шундай. Агар ўз ҳуснини ўйлайдиган одам юз-башарасини тозалаб, баданини ювиб турса, унда қиши чиндан ҳам терисини ҳар хил бўёқ-безаклар билан зийнатласса арзиди: шундай қиласа унда баданлар ярқираган чироқларда кўзга мақсад билан бўлиб кўринади. Аммо баданини гўзл қилиб кўрсатадиган нарсалар терини муттасил оқартиришидир, бу эса терига атир гули ёғини суртиш ва ишқаш билан бўлади, борди-ю бадандада табиий ё тасодифий сарклини бор бўлса, бунда яна яхши...

Кейин тишларни тозалаб турни керак-бўлади, аёллар кўз-қовоқларини тоза тутиб, кўзларига сурма сурса, зарурат бўлиб қолганда сочларини бўяса, ювиб-тараб, учларини киркиб турса, бъазиларини юлиб, тирноқларини олиб, атрофини текислаб турса, айни муддао бўлади.

«Жавоҳирнома»дан.

Иззатталаблик — инсоннинг қон-қонига сингиб кетган иллат. Бу иллат қадимда қай йўсунда мактобга ёки лавнага лойик топилганини билмадим-у, лекин ҳозирги кунларда унинг ҳурмат-эътибори баланд. Улкан қизил империянинг етимиш йилини туқуни бўлган она тилимиз ва имломиз озодликка чиққандан сўнг андишасиз бир ҳолат юзага қалқиб чиқдики, буни ўз вақтида баҳо-ламоқ керак.

Мен нимани айтмоқчиман? Гап шундаки, жойларни — кўчалар, мактаб, муассаса, корхона ва ташкилотлар, билим масканлари ва ҳоказоларни номлашда ўзбилармонлик, худбинлик, ҳалқнинг, миллатнинг раъйига қарши иш тутиш ҳоллари рўй бермоқда. Бу ерда қизиқ бир манзарани кўришингиз мумкин: тириклар — яъни фарзандлар, қариндош-уруглар марҳум отасининг, оғайнисининг номини сотиб

нолайиқ одам бўлсанчи?! Истайсизми-йўкми, эллигинчи, олтмишинчи, борингки, етмишинчи йилларда аксариёт улуғ империяга, мустамлакачиларга содиклигини на-мойиш этган калтафазм, соткин кайфиятдаги кишилар мансаб курсиларида ўтирганларидан кўз юмиб бўлмайди. Мажаллий ҳалқа қайишмайдиган, «юкоризинг топширигини бажариш учун ҳар қандай қабиҳликдан, адолат-сизлидан ҳам тоймайдиган қанчалаб амалдорлар ўтганини элизим яхши билади. Бундай раҳблар нийни діёнатсиз, миллатимизнинг манфаатидан юз ўғирган ишратпаст, худбин кимслар ҳам эдилар. Бундан юз ўғирни бўладими, ахир!

Шошилмай иш тутган маъкулмикан дейман. Чунки вакт, ҳакиқат ҳар бир нарса ўз баҳосини беради. Қолаверса, ҳалқ кимнинг ким эканлигини одил баҳолайди. Марҳум отангизнинг номини тошларга ўйиб ёзганингиз

яхши. Лекин иш юритиша-мен юкорида айтган ҳоллар ўз ифодасини топмоқда. Жойларни номлашда ҳуғиёна, найранг билан иш юрит-масдан, таклифни очиқ, кўпчиликнинг ўртасига ташлаш керак. Табиийки, кўпдан кўп ва охир-оқибат ягона одилог-на фикр чиқади.

...Термиз шаҳридаги аҳоли гавжум яшайдиган марказий кўчаларнинг бири — Н. Цуранов деган марҳумнинг номи билан юритилади. Табиийки, сиз Н. Цурановнинг ким эканлигини билмайсиз. Сурхондарёда ҳам бу кишини муйян гурухдан бошқа ҳеч ким билмайди. Н. Цуранов — «байнамилалчи» жангчи... Афғон тупроғида қон тўкишда иштирок этган сабоқ шўро фуқароларида бири. Мен бу ерда кўчанинг «афғончи» жангчи номи билан аталиши тўғри ёки нотўғрилиги ҳакида хулоса чиқаришдан аввал бу ҳақда шошилмай ўйлаб кўриш кераклигини айтмоқчи эдим. Чунки ҳозир кўп жой-



Суратчи: В. ТУРАЕВ

«КЎЧАМИЗГА ОТАМНИНГ НОМИНИ ҚЎЙСАК...»

яна бир баҳя обрў-шуҳрат «ишлаб» олишга тушдилар. Маълумки, отаси катта ёки кичик амалдор бўлиб ўтгандарнинг фарзандлари ҳам аксариёт ҳолларда мансаб, лавозим курсларida ўтиришибди. Ана шундаки фарзандларнинг муйян бир кисми, арвоҳлар ортидан шараф топмоқчи бўлган меросхўр болалар марҳум оталарининг номларини «абадийлаштириш» учун уялмай-нетмай ижроқўмларга тил хил ўйулар билан тақлифлар киритмоқдалар. Таассуфки, (минг бор уятки!) бу тақлифларнинг аксариётимиз ёмалда ўз ижросини ҳам топмоқда: Тўғри, агар у ёки бу жойга қўйилган ном эгаси (марҳум) муносиб яшаб ўтган бўлсан-ку, ҳеччиси йўқ. Аммо у (марҳум) шундай улуғлашга

билан, кўчалар четига катта ўзувлар рақам қўйдирганинг билан, мактаблар пештоқига улкан портретини остирганинг билан қўлларга ўйиб ёзилмаган бўлса — бариси бекор.

Кўнглини оздирадиган нарса шуки, номи «абадийлаштирилган» кишиларнинг аксариётимиз ёмалдор бўлиб ўтган. Улар ҳақида ҳалқ орасида яхши гаплардан кўра, норизо гаплар кўп юради.

Чамаси, биз ҳозир жойларни номлашда қордага қутулиб ёмғирга тутилганга ўхшаймиз. Етимиш юйл мобайнида кўчаларимиз борми, маврифий масканларимиз борми, деярли барчасини босқинчилар номи билан аташди (атадик). Елкамизга офтоб тегиси билан уларни алмаштиришга киришдик. Бу —

ларда «афғончи» жангчилар номини абадийлаштириш ҳакида астойдил ишлар қилинётди. Юракда оғриқ ўйгодиган янга бир нарса шуки, афғонда ҳалок бўлган бъази шаҳид аскарларимизнинг ота-оналари, қариндошларининг номини бирон ерга қўйишини тақлиф қилиб киришибди. Масаланинг энг нозик томони шундаки, бу «ташвиши билан эрта-кеч югуриб юрган жабройдадарларнинг ишини тўғри десангиз ҳам қўйнади-сиз, нотўғри десангиз ҳам. Тўғри, афғонда ҳалок бўлган ўйтгитларимизнинг кисмати бизни мудом қўйнайди. Улар бегона бир тупроққа ўзлари бостириб боргандари йўқ.

Уларни мустамлакачилар олиб боришиди. Улар буюк хатонинг қўрбонларидир. Лекин буюк хатолардан сабоқ олмоқ, елкамиздан босган ситам, алам юкни сабрлик билан енгмоқ ҳам бурчимиздир. Бироқ... ситамнинг ортидан, йўқотишнинг ортидан довруғ «ишлаб» олишга сайҳаракат қимоқ хусусан туркӣ ҳалқнинг шаъни учун уят ҳам гуноҳдир.

Айтилаётган гаплардан келиб чиқсан ҳолда масаланинг яна бир нозик жиҳатига эътибор бериши керак. Биз шошапиша номларни ўзғартиришга киришдик. Орадан беш йил ўтар, ўн, ўнгирма йил ўтар, ўшандা яна хатомизни тузишга киришишимизга тўғри келмасмикн! Ҳар қалай, жойларни ёки бу кишининг номи билан аташга муносиб ном ўйлиги учун шундай килмаяпмиз-ку!

— Яқинда бир фарзанд

ижроқўмга бориб масбул қимоқ ҳам таклиф, ҳам илтинос билан мурожаёт қилибди: «Ақа, раҳматли отамиз эл-юрт учун кўп иш қилиб кетган. Кўчамизга отамизнинг номини қўйсак... қандай бўларкин?.. Масаланинг қандай ҳалқнинг қўйиши?.. Ҳалқнинг қандай бўлмоқни истаган месосхўнинг феъл-атвори тарозига солиб кўришга, мулоҳза юритишига лойиҳидир.

Келинг, биродарлар, бирозгина шошилмайлик, тириклини ҳам бир баҳони ҳалқ беради. Оламдан ўтганларни ҳам тинч қўйилек-да, обрў топишнинг бундай шармандалий ўйлидан ўзимизни минбайди тиянилек.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

ЭЪЛОНЛАР ТЕКИНГА ЧОП ЭТИЛМОҚДА

40 ёшда

бўладиган аёлни бошимга кўтариб юраман. «ОИЛА-24»

31 ёшда

Ёшим 31 да, бўйим 170 см. Ўзбекман, маълумотим ўрта. Хотин билан ахшарганимиз. Жисмонан согломан. Зарарли одатим йўқ. Спорт билан шугулланам. Касбим радио ва телевизор созловчи. Ҳозирда онам ва укала-рим билан турман. 25—30

ёшлардаги бўйи 160 смдан кам бўлмаган, оила ишларига қизиқувчан, меҳрибон ва садоатли, фарзанди бўлса ҳам майли, жувон билан оила кўрмоқчиман. Қишлоқ аёллари билан танишиш ниятидаман. Ўзаро маслаҳатлашган ҳолда кўнгли ўтишига ҳам розиман. Аниқ адреси билан суратни юборгандарга жавоб қўйтараман. Танишиш ниятида бўлганларни оҳима-таскири бўлмапти. Табииятни дардлардан, шифобаҳш гиёҳлардан ёрдам берган ватан дошиими умримнинг охиригача дуо килиб ўтаман. Сарф-кара-

Табиблар диккатига!

Тўрт болам бор. Эрим оддий ишли. Ёшим 32 да. Узим фабрикада ишлайман. Ўтган йилнинг оҳимида қаттиқ шамоллаб, оғир дардга чалиндим. Касалхонада даволандим, аммо буткул тузалиб кетоладим. Сурундай ўтталга чалиндим. Бронхит деб ташхис қўйишди. Кимёвий дормирларининг тасъсири бўлмапти. Табииятни дардлардан, шифобаҳш гиёҳлардан ёрдам берган ватан дошиими умримнинг охиригача дуо килиб ўтаман. Сарф-кара-

жатларини тўлайман. М. Рӯзмева. Гузор тумани.

Беморнинг тўлиқ адреси таҳририядат. У кишига ёрдам берган табиблар ишини текин реклама қиласиз.

Учрашувга чорлайди

Тошкентлик Мамуржон Абдураззоқов 1982 йилда Тошкент тўқимачилик институтини битирган курсдошларини ҳамда уларга таҳсил берган ўқитувчиларни 1992 йил 9 май куни «Тошкент» меҳмонхонаси ёнида ўютириладиган учрашувга тақлиф этиди.

17(35) «Оила ва жамият»

Қадим Шош тупроғи күплаб кучли зилзилаларнинг гувоҳи бўлган. Бизга аниқ маълумотлар орқали етиб келгани 1868 йил апрел ойида рўй берган таъбий оғатдир. «Шаҳардаги деярли барча иморатлар

зарар кўрди, кўплари йиқилди, одамларни босиб қолди. Эллик киши ўлди. Зилзила 15 дақиқа давом этди». Бу — рус олими Северцев маълумотларидан.

Чархи кажрафторни кўрингки, орадан юз йилга етар-етмас вақт ўтиб, айни апрел ойида Тошкент яна даҳшатли зилзила гирдобида қолди.

«26 апрел, маҳаллий вақт билан соат 5дан 23 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳрида етти ярим балл куч билан зилзила бўлди. Дастанлабки маълумотларга кўра, Тошкентда анчагина уй-жой бинолари, асосан эски бинолар вайрон бўлди. Бир қанча касалхона, мактаб, давлат ва жамоат муассасалари бузилди, иккита фабрика жиҳдий шикастланди.

Тўрт киши ўлганлиги рўйхатга олинди ва 150 га яқин жароҳатланган киши касалхоналарга ётқизилди». (ТАСС).

Бу хабар рўзномаларда 27 апрел куни хабар қилинди. Зилзила рўй берган куни эса дастанлаб ҳеч қандай маълумот бўлмаган. Фақат орадан уч-тўрт соат ўтиб, Москвада Тошкентдаги зилзила тўғрисида ахборот берилгач, Тошкентда бу ахборот таржима қилиб(!), эшиттирилади.

26 апрел куни вайрон бўлган шаҳарга янги сайдланган Буш котиб (КПССнинг 1966 йилнинг март-апрелида бўйлаб ўтган XXIII съездидан бу лавозим қайта тикланганда) Л. И. Брежневга Министрлар Советининг раиси А. М. Косигинлар учб келишиади. Уларни Шароф Рашидов тақлиф этанди. Дарвоже, биринчи котибнинг ўзи зилзилани қандай кутиб олган?

«Шароф Рашидов [Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби]:

Ер қимирлаганда уйқудан турган эдим. Шаҳар чеккасида шафак кўринингга ўҳшади. Ҳозирча бу нарса аниқланганни йўқ — кўринган нарса юқори волтили электр симларининг бир-бираға тегиб кетиши натижасида ҳосил бўлган нарсами ёки ёруғлик ердаги ҳодиса билан боғлиқми. Марказий Комитет уйига қўйнироқ килдим. Бу ердан электрик жавоб қайтарди: «Бино бутун. Лекин олтинчи қаватда ўйдан-баўёқка роса тебратди». Мен шаҳарга жўнадим. Вайроналарнинг сон-саногига етиб бўлмасди. Шаҳар бўйлаб санитар машиналари тизилаб ўтиб туради, кимдир бошини сочиқ билан боғлаб, тиббиёт пунктига югарарди. Бахтилизга, кейин маълум бўлишича, курбонлар оз экан. Саккиз киши ҳалок бўлди. Ярадор бўлганлар мингдан ортиқ. Дастанлабки соатларда ёфат қанчалик экани маълум эди. Шаҳарни айланниб чиққач, Москвага телефон килдим» [«Комсомолская правда», 1966 йил, 18 май].

Зилзиладан кейинги уч ой тошкентликлар учун энг қийин кунлар бўлди. Шу вақт мобайнида шусиз ҳам ҳолдан тойған Тошкентда 500 мартадан ортиқ(!) ер кимирлади. Баъзи кунлари ер ости силкимишларининг сони 20 тагача етганилиги қайд этилган.

5 май куни Тошкентда қаттиқ довор турбি, омонат девор, томларни, одамлар эндиғина қўнкиётган чодирларни куллатиб кетди. 21 май куни эса Тошкентда камдан-кам кузатлидагин ҳодиса — Куёш тутилиши рўй берди... Буларнинг ҳамасига дош бериш осон эмасди. Аҳоли орасида турили миш-мислар кўпайди, руҳийлашмийлар, юрак касалликларида дучор бўлганларининг сони кескин ошди.

Биноларнинг деярли эллик фоизи яроқсиз ҳолга келган пойтахтда одамларга бошпане тобиб берниш масаласи кўндаланг турарди. Иссик кунлар ҳам ортда қолиб, рутубатли куз ойи яқинлашмоқда, чодирларда эса ортиқ яшаб бўлмасди.

Тезда бошпанасиз оиласаларни ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари ва қардош жумхуриятларга кўчириш хукумат комиссияси тузилди. Комиссия олиб борган ишлар натижасида вилюятларга 8 минг, жумхуриятларга 6 минг дан ортиқ оила курилди. 1966 йилнинг охирлари ва 1967 йилнинг бошларига келиб Тошкентда ҳеът аста-секин изга туша бошлади. Кино, концерт заллари, театрлар одамлар билан тўлди. Москва, Ленинград, қардош жумхуриятлардан келган қурувчилар битказган янги, замонавий ўйлар қад кўтари. Азамат қурувчиларнинг ўзлари эса... кетиша учниш шошилишмасди. Содда одамлар, иссин иклим, анвони ноз-незматлар... Кимнинг ҳам кеттиси келарди дейиз?

Пойтахтда Сергели, Ц—1, Ц—2, В—26, К—24 каби «байнамиллар» даҳалар учриб кетди. Туб аҳоли эса аста-секин сурилиб, четга чиқиб кета бошлади.

Тошкент зилзиласининг кучи ва ҳалок бўлганлар сони ҳақида. Зилзиланнинг дастанлабки кунлари 4 киши ҳалок бўлди дея ўзлон қилингандин. Кейинчалини бу рақам 8 киши деб белгиланди, ҳатто ҳужжатларга киритилди. («Тошкент» қомуси). Лекин бу ўринда факат 26 апрел зилзиласиз билан чекланмаслиғи лозим. 9дан 10 майга ўтар кечаси ва 24 май куни бўлган ер кимрлашларининг кучи авваликсидан кам бўлмаган ва ўлган, жароҳатланган, бошпанасиз қолганларнинг сони, минг афсуски, кўпайган.

«Ернинг уч марта қаттиқ силкимишдан беш киши хароба остида ҳалок бўлди, уч кишини ток урди, юрак касалидан олти киши, ўлди» [А. Салуцкий «Вечерняя Москва», 1966 йил, июн]. Бу — ҳақиқатга анча яқинроқ факт.

ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Мақоламиз бошида келтирилган ТАСС ахборотида зилзила кучи етти ярим балл деб ўзлон қилинганди. Зилзилашунсо олимларнинг қайта-қайта текширувлашадан сўнг Тошкентнинг маркази 9 балли зонага киритилди ва рўй берган зилзила кучи 9 балл бўлганилиги қайд этилди. Шунга кўра, пойтахтда 8-9 қаватли уйларнинг курилиши номакуб деб топилганди. Тошкент марказида ҳозирги кунда курилаётган биноларнинг аксарияти 9-10, ҳатто ўндан ҳам баланд қаватли иморатлар. Тошкентнинг кучли зилзилалар ўчигида жойлашгани ва ҳар 15-20 йилда (1966 йилдан сўнгги энг кучли — 1980 йил Назарбек зилзиласини эсланг) уларнинг такорлаби турниши эҳтимоли борлигини ҳисобга олсан, нечоғлиқ ўйламасдан ишкориёттеганимиз аён бўлади.

Кейинги йилларда собиқ Иттилоғнинг баъзи нуқталарида кучли зилзилалар содир бўлганидан хабардорсиз. Арманистон, Гуржистон, Ўзгандан зилзила минглаб одамларнинг ёстигини куритди, гўзл кент, қишлоқларни вайрон қилди. Эътибор берсангиз, бу оғатларнинг деярли ҳаммаси одамлар ўтасида турли низомлар чиқкан, қон тўкилган юртларда

рўй берган... Зоро, меҳр-оқибат, аҳиллик кутарилган юрт аҳли худонинг иноятидан умидвор бўлишга ҳақлими?

Қуръони каримнинг Мадинада нозил бўлган «Залзала» сурасида шундай дейилади: «Вақтиқ ер қаттиқ силкимиб, зилзила бўлса. Ва ер ўз ичидаги ўликлар, қонлар ва кўмилган нарсаларни отиб чиқарса. Ва инсон (бўлётган ҳодисалардан ажабланиб) ерга нима бўлди деса. Уша кунда ер ўз хабарини айтади. Сенинг раббинг унга вайий юборганини (айтади). Уша кунда (қиёматда) одамлар гурӯгурух бўлиб бу дунёда қилган амалларни (самарасини) кўриш учун жойларидан кўзголадилар. Ким бу дунёда зарра мисқол оғирлигига яхшилик қисла ҳам (мукофотини) кўради. Кимкин бу дунёда зарра мисқол оғирлигига ёмонлик қисла ҳам (казосини) кўради».

Тангри бизни шу — сўнгги зилзиласида омонлигимизни таъмин этсин. Тошкентда ҳалок бўлганларнинг руҳ шод, қабрлари обод бўлсин.

Азиз АБДУВАЛИ,
«Оила ва жамият»нинг маҳсус мухбири



СОАТ КАПГИРИ ОҒАТ ЮЗ БЕРГАН
ДАҚИҚАЛАРНИ КЎРСАТИБ ТУРИДИ.

ФАРАНГ императори Наполеон III (Наполеон Бонапартнинг жиёни) дунёдаги энг гўзал аёл — графина Тебскаяя севиб уйланди.

Наполеон ва унинг қайлигига бойлик, ҳокимият, ўзаро муҳаббат — тўла-тўқис ҳаёт кечириш учун зарур нарсаларнинг бари бор эди. Муқаддас никоҳ гулхани ҳам ҳеч қаҷон бунчалик ёрқин ёнмаганди.

Ағуски, бу олов кўп ўтмай липилаб, сўна бошлади. Наполеон Евгенини малика дараҳасига кўтариб, ардоқлаши мумкин эди, аммо ҳеч бир нарса — на муҳаббат кучи, на салтанат кудрати унинг эрига бўлган инжизликтарини тұхтата олмади.

Рашни ўтида ёнб, шубҳа-гумонларда адо бўлаёзган Евгения Наполеоннинг бир лаҳза ҳам ёлғиз қолишига изн бермас, эри давлат ишлари билан бандлигига қарамай, хонасига бостириб киради.

Дейл КОРНЕГИ

ларда эшитмиш бой берилган имкониятлар ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оларди».

Қажонлардир жаҳаннам шайтонлари томонидан муҳаббатни поймол қилиш учун кашф қилинган неки мақр-хийла бўлса, хатосиз нишонга тегадигани гумон, куткилашдир. Бу усул илоннинг чакшидек заҳарлайди, нобуд қиласди.

ГРАФ Лев Толстойнинг рафиқаси буни жуда кеч тушуниб етди. Улими олдидан қизларига: «Станлизининг ўлимига мен сабабчи бўлдим», дегэ эътироф этган эди. Қизлар унга ҳеч нима деб жавоб қайтаришолмади. Чунки икковлари ҳам оналари ҳакиқатни айтаттанини билардилар.

Дунёда нимаики гунон бўлса, барини — ҳаттоқи қотилликкавча — қилганини тан олган Толстой Исо таълимотига бутунлай бўйсунишга уринарди. У ўзига қўрашли барча ерларни гарипларга ҳадя қилиб, факирона ҳаёт



Бош мұҳаррір:
Кулман ОЧИЛ

**ТАХРИР
ҲАЙАТИ:**
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадаҳон
ЕҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА
Абдулоҳим
ИРИСБОЙ
(бош мұҳаррір
үрнисбасар)
Тўлқин ҲАЙИТ
(масъул котиб)

**ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:**

Кувондиқ
БЕРДИЕРОВ
Мейли
ИҮЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсолом
УСАНОВ
Баҳодир
ЭШОНХОНОВ
Үрол
ЎЗБЕК

**Таҳририят
кеңлан хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билин
ташилотлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.**

**Газетамиз
ҳомийлари —
Галлаорол
туманидаги
«Галлаорол»,
Муборок
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Намангандаги
«Тўқимачи»
маданият
саройи.**

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Номайшшар
хайбони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси 64654
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРК»
нашрёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

ХАЗОН БЎЛМАСИН

Наполеон — Фарангистон императори, қўша-қўша ҳашаматли саройларнинг соҳиби бир зум ҳоли қолиб фикрласа бўладиган жой тополмай қолди.

Хўп, бу билан Евгения нимага ёрмади?

Рейнхардтнинг «Наполеон ва Евгения» Бир салтанатнинг фожиавий комедияси китобидан парча келтирамиз: «Наполеон кўпинча хуфия эшикдан ўзининг энг яқин дусти ҳамроҳлигига чиқиб кетадиган одат чиқарди. У келишилган жойда кутиб турган хонимнинг ҳузурига йўл олар ёки буюн шахар бўйлаб шунчаки сайд қилиб, императорлар фақат эртак-

кечиришга ўтди: далада ишлар, ўтин чопар, пичан йигар, ўзига ёки кийим тикар, хонасини супурар, ёғоч товоқда тановувл қилас, душмәнларини севишга ҳаракат қиласди.

Рафиқаси шуҳрат ва шарафга жуда ўч, Толстой эса бу ўткини нарсаларга ҳеч бир аҳамият бермасди. Толстой ноширларга асрларини ҳеч бир қалам ҳақисиз чот этиши ҳукуқини берадигани учун рафиқаси асабини эговлаб, жанжал чиқарди. У Толстойнинг китоблари эвазига жарақжарақ пул олишини ҳоҳлар эди.

Менга уларнинг ҳаётидаги бир воқеа инсоннинг тарихидаги энг таъсири саҳна бўлиб туюлади. Боя таъкидлаганмидек, улар турмуш-курганларда жуда баҳтиёр эдилар. Аммо Толстой ярим аср ўтгандан сўнг хотининг машмашаларига зўрга чидётганди. Оқшомлари ёши ўтиб, гамандуҳ адом тамом қилган, қалб тағтига зор рафиқаси унинг олдида тиз чиқиб, кундукларига эллик йил олдинги ҳар бир сатри муҳаббат билан йўргилган бағишловларини овоз чиқариб ўқиб бериниши илтимос қиласди. У ўша масрур, бетакор кунлар ҳакида ўқиганида, икковлари юм-юм ийғлашади.

Толстой ўн бир кундан кейин мўъжазигина темир йўл бекатларидан бирда ҳаёт билан видолашди. У ўлими олдидан хотинини якинига йўлатмасликларини илтимос қилган.

АВРААМ Линкольн (Американинг биринчи президенти) ҳаётидаги буюк фожия ҳам никоҳ бўлган. Эдда тутинг — унинг ўлдирилиши эмас, никоҳи. Линкольн йигирма уч йил давомида ҳар куни, шериги — юрист Гериндан тасвирлагандек, «турмуш нотинчлигининг аччиқ меваляри»дан тотиб келди. «Оилавий нотинчлики». Бу жуда беозор айтилган ибора. Деярлик

ТОШКЕНТ
ШАҲАР
№ 2
СОНЛИ
БАХТ ЧИ



Суратчи: В. ТЎРАЕВ

чорак аср давомида Линкольн хоним ўзининг асабларини эговлаб, жонидан тўйдириб юборганди.

Авраам Линкольн ва Мэри Todd Линкольн бир-бирларига нисбатан бутунлай тескарӣ эдилар: тарбиси, келиб чиқиши ва дунёкашига кўра.

Сенатор Альберт Беверидж шундай ёзган эди: «Линкольн хонимининг каттиқ, қулоқни тешиб юборгудек овонзини кўчанинг қарама-кашри тарафидан ҳам эшилса бўларди. Бизгача Линкольн хонимининг кўплаб қилиллари ҳакида далолат берувчи ҳақиқатя ўқин ҳангомалари етиб келган».

Мана шундай воқеалардан бири. Тўйдан кейин кўп ўтмай улар Спирингфилдаги Эрли ҳониминида туршиларига тўғри келади. Бир куни эрталаб Линкольнлар нонушта киладиганида Абраамнинг қайси бир гапидан хотини тутоқиб кетади ва қайноқ қаҳвани ўзининг юзига сенеп юборади. Бу машмаша бошقا ижарачиларнинг кўз олдида рўй беради.

Линкольн унга ҳеч нарса демайди. Эрли хоним ҳўл сочиқ билан унинг юзи ва кийимларини артганича, эрлик гурурини ичига ютиб жимгина ўтиради.

Спирингфилда ўн битта адвокат яшар, уларнинг барига ҳамма вақт ҳам иш топилавермасди. Шунинг учун улар одатда отга миниб, кози Давид Девиснинг кетидан бир шаҳарчадан иккисигисига суд маъжисларидан иштироқ этиш учун йўл олишади.

Оқловчилар ҳафтанинг сўнгги кунини ўз олалари билан ўтказни учун Спирингфилга қайтиш имконини тошишади. Линкольн эса бундай қилмас, баҳор ва кузининг уч ойини Спирингфилнинг яқинига ҳам йўлланмай, уйдан олисада ўтказарди.

У йилдан йилга шундай қилишга кўнини қўз олалари билан ўтказни учун Спирингфилга қайтиш имконини тошишади. Линкольн эса бундай қилмас, баҳор ва кузининг уч ойини Спирингфилнинг яқинига ҳам йўлланмай, уйдан олисада ўтказарди.

Энди хулоса қисқас. Линкольн хоним, малика Евгения, графина Толстой эрларига қилган муюмалалари орқасидан қандай натижаларига эришишди? Жавоб ўз-ўзидан келиб чиқади: бу ҳуљ-автор уларнинг ҳаётига раҳна солиб, энг муқаддас бўлган нарсаларини яксон қилди.

ХОНИМЛАР, оилавий ҳаётингиз тинч, осоишта ўтишини истасангиз, шуни ёдда тутинг: гумон, тергашлар ҳеч кимга, ҳеч қаҷон фойда бермайди!

Дилшод НУРИЛЛОҲ
Ўзбекчалаштириди

ИКРОМЖОН БҮРОНОВ:

ЭСИМНИ

ТАНИГАНИМДАН БУЁН
ХИРГОЙИ ҚИЛАМАН

Икромжон ака билан телефонда Ўзбекистон радиоаси биноси олдида учрашишга келишиб, йўлга тушдим. Манзилимга яқинлашаётганимда соатимга қарадим: уч дақиқа кам ўн. Тўрт-беш дақиқа кечиксам керак, деб ўйладим ва бирдан... Икромжон Бўроновнинг бир пайтлар зобит бўлгани, ўзимнинг ҳарбийдаги хизматим, «темир» тартиб ёдимга тушди. Қадамимни тезлатдим. Эшикка яқинлашганимда хиёбондаги соат занг урди. Ичкарига кирсам, шартлашилган жойда сухбатдошим турибди. Ҳар ҳолда, ҳарбий-да.

— Икромжон ака, охирги пайтларда ойни жаҳонда кўринмай қолдингиз, ҳарбийда ишлар кўпайиб кетди-ми?

— Гапингизда жон, менинг «кўринмай» қолишмада сабаб бор. 1980 йили Ички Ишлар вазирлиги ҳузурда ҳорижий фуқаролар учун Олий ҳарбий курс очида. Унда малака ошириш бўлим бошлигининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинландид. Ҳарбий ишни тушунишга деб ўйлайман. Бу ерда санъат билан шугулланига имконият ҳам, шароит ҳам кам эди. Шундай бўлса-да мен раҳбарлик қилган даста 1984 йилгача ишлаб турди. Уша йили шу курс маҳсус тарғиботининг катта инспектори этиб тайинланганди. Шу бўнис санъат билан жиддий шугулланиши вактим қолмади, хисоб, 1989 йили ҳарбийда ишлаганимга 25 йил тўлди. Биласиз, ҳарбий киши бу иш муддати билан заҳира гиёҳди.

— Уйнингиз ҳам бордир!

— Подполковник.

— Қанча нафқа тайинлашди?

— Ҳозирги тур 1050 сўм.

— Сиз раҳбарлик қилган ўша ҳарбий дастанини номи нима эди?

— Дастамизинг номи жуда узун, «СССР Ички қўшинлари бошқармасининг хали ансамбли» деб аталади. Ҳозир у тарқаб кетган. Биласизми, унинг бошқа дасталардан фарқи

шунда эдики, у ҳар бир ҳарбий чакирика ўзариби туради. Иккى йил муддатини тутаганлар уйига кетар, янги чакирилганлар қабул килинарди. Бу ҳол мени тинмай ижод қилишга, ишлашга мажбур қилиларди.

— Кўйл остингизда ҳарбий хизматни ўтаб кетган ёшлардан таникли санъаткорлар ҳам чиқдими!

— Эз-ҳе бундай йигитлар жуда кўп. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Абдухомин Исимолов, Ўзбекистон халқ қоғизи Ҳасан Раҳабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ака-ука Ваҳобовлар, Тоҳир Раҳабий, бастикор Ҳақрамон Комилов ва яна бир қанча қўшиқчилар, ҳатто, актёrlар ҳам бор. Масалан, Исамат Эргашев. Ҳаммаси бўлиб 400 дан ортиқ аскар-санъаткор мен билан бирга хизмат қилган.

— Ўзингиз ҳарбийга қандай келип қолгансиз?

— Ҳарбийдаги фаолиятим оддий аскарлиқдан бошланган. Жалолобод вилояти, Сузоқ тумани, Ленинномли жамоа ҳўжалигидан 1963 йилда ҳарбийга чакирилганман. Кўмиссариятдан Тошкентга йўллашди. Бу ерда генерал Сирохидинов бўйруғи билан юкорида номи тилга олинган дастани туздид. Уша пайтлар кўпгина ҳарбий кисмлар, давлат ва жамоа ҳўжаликларида концерт кўярдик. 1966 йили хизмат муддатим тугади. Сўнг фалакинг гардиши билан шу дастага раҳ-



бар бўлиб қолдим. Айни пайтда Тош Ддинг тарих факультетини ҳам тутатдим.

— Икромжон ака, ҳали айтдингиз, «Махсус тарғиботининг катта инспектопри» бўлиб ишлагансиз. Бу тарғиботнинг асосида марксизм-ленинзм гозлари ётгани сир эмас. Ҳозир бу гоялар қақшатич таниқид остида. Умрингизнинг шундай зарарли ишларга бағишиланганидан ачинмайсизми?

— Йўқ, афсулланмайман. Мағкуранни ҳар ким ҳар хил тушунади. Марксизмни ҳеч ким инкор қила олмайди. Унинг ўз борича бизга етиб келмаганидан шу ҳолга тушдик. Ҳозир ҳам кўпгина керакли жиҳатларини олса бўлади.

— Болалигингизда ҳарбий соҳада ишламайман деб ҳеч ўйлаганимизи?

— Асло. Ҳатто ҳарбий ансамблда қолиб кетганимда ҳам ўйламагандим. Шунинг учун 1974 йилгача зобитлик унвонини олмай юрдим. Лекин имкониятим бисер эди. Барibir кетаман, деб юрдидим.

— Ҳарбийнинг санъат билан уйгун жойами?

— Одамлар жамиятнинг қайси бир жабхасида ишламасин санъат уларнинг маънавий, руҳий эҳтиёжини қондириб келади. «Санъатсида ҳаёт вахшилийдир» деб бежис ғайтишмаган. Уруш пайтини олинг. «Ой бориб омон қайтинг деб жангга кузатишган, «Хуш келибсиз деб қўшиқлар билан кутиб олишган.

— Икромжон ака, эшитишмача, сизни Ҳайдар Яҳе шеърларини кўйлаганингиз учун ойна жаҳонга чиқармай қўйишишганли!

— Бу гаплар асоссиз. Ойна жаҳонга ҳар ойда таклиф қилишади. Масалан, сиз келмасингиздан бир соат аввал «Мумтоз кўйлардан» деб номланган кўрсатуда бир жуфт қўшиқ айтишини таклиф қилишиди. Рад этдим. Бундай гаплар пайдо бўлиби, демак, энди қўшиқини керак. Илгари ойна жаҳондагиларнинг таклифларини доим рад этганингизнинг сабаби — ҳарбий иш билан бўлиб янги қўшиқлар ижод қилмаган эдим. Эски қўшиқлар билан ҳадеб чиқаверишга вижидоним йўл қўйдиди.

— Ҳозир қаерда ишлайсиз!

— Ҳарбий заҳира га чиқибоқ, Юнус Раҳабий номли мақом ансамблига ишга келганман.

— Янги қўшиқлар ҳам ижод қилиндирилсиз!

— Үндан ошиб қолди.

— Қаҷондан бери қўшиқ айтиласиз!

— Эсими таниганимдан бери хиргойи киламан.

— Сиз илк таниганинг қўшиқини ким?

— Ортиқ ўжа И момхўжаев, ажойиб санъаткор. Маъмуржон Ўзловининг ашулаларини ҳам севиб тинглардим.

— Қайси мусиқа асбобини яхши кўрасиз?

— Найнинг ноласини.

— Чолғу асбобларидан нималарни чалишини биласиз!

— Рубоб, тор, дуторни чала оламан.

— Энг яхши кўрган қўшигингиз?

— Оналарга бағишиланган ҳамма қўшиқларимни севиб кўйлайди. Улардан бири — «Энг азиз инсон». Унга кўни ҳам ўзим басталаганман. Оналарга алоҳида ётиборимнинг сабаби бир. 1943 йили дадамиз фронтга кетганча қайтиб келмадилар. Онамизнинг кўлида иккى ўғил, иккى қиз тарбияландик. Онажонимиз бизни дея 35 ёшларидан умрларининг баҳорини, завқини бизга бағишиладилар. Худо хоҳласа, бу ўй волидамизнинг 85 ёшларини нишонлаймиз.

— Умрлари яна-да зиёда бўлсан. «Сен баҳорни соғинмадингмай!» қўшигингиз қандай дунёга келгани ҳақида гапирib берсангиз.

— Ҳётда ажойиб воқеалар бўларкан. Кимдир яратар экан, кимдир... Ҳарбийдаги дастамида Акмал Исоков номли қашқадарёлик йигит бор эди. У менга иккита ашуласи борлигини ва уларни мен айтишимни таклиф қилиди. Бу иккى қўшиқининг сиззалири ҳиссасини кўшган. У Абдулла Орипов сўзи билан «Сен баҳорни соғинмадингмай!» қўшиғи. Шундай йигит, бастикорлар борлигидан хурсанд бўлиб юраман.

— Ҳозир Акмалдан хабар борми!

— Ҳа, ҳозир Яққабодга оилавий даста туған. Келиб туради.

— Қандай унвонингиз, бор!

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

— Рафиқнинг, фарзандларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз!

— Рафиқам ўқитувчи. Тўрт ўғлим ва бир қизим бор.

— Үғилларингиз орасида ҳарбий соҳа бўйича ота изидан юрганлари бордир!

— Ҳа, каттаси зобит. Унаштириб қўйишилмади. Насиб этса, бу ўй келинлик бўламиш. Иккичи ўғлим ҳам Олий ҳарбий ўқув юртида курсант.

— Бу дунёдан...

— Рози ва баҳтиёрман.

Х. САИДОВ

«Оила ва жамият»нинг
маҳсус мухабири

ТАНЛАНГ: 200 ГР. АРОҚМИ Е!

Ҳа, шу кечакундузда Сизда ана шундай имконият бор, чунки эртага кеч булиши аниқ. Танланг: сиз учун 200 грамм ароқ афзалми ёки «Оила ва жамият»ни ярим йил қилиб ўқиши? Чунки иккаласининг ҳам нархи бир хил: 39 сўм! Газетамизни кимматлашди деманг, ароқ баҳосининг олдида ҳолва.

Хуллас, бозор иқтисодиётидаги яшаётган мұхтарам мұхлис, танланг. Оилангизнинг тинчлигини, рўзгорингизнинг күт-барақаси-ю фарзандларингиз камолини ўйласанги, чиқаражак ҳолоссангиз бизга маълум. Яна ўзингиз биласиз. Бизнинг ишинииз Сизга бор гапни эслатиб кўйиши, «Оила ва жамият»га эски нархда обуна (10 сўм 56 тийин) бўлганларга 1 июлдан газета юбориш тўхтатилиди. Улар ҳам йилнинг иккичи ярмига янги баҳодуна бўлмоқлари лозим.

«Оила ва жамият»нинг обуна баҳоси ярим йилга — 39 сўм. Уч ойга — 19 сўм 50 тийин. Обуна индекси: 64654.